

УДК 338.242

Экономические науки

Турсунов Алишер Мухамадназирович

иқтисод фанлари номзоди,

Тошкент давлат техника университети

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси доценти

Турсунов Алишер Мухамадназирович

кандидат экономических наук,

доцент кафедры «Экономика промышленности»

Ташкентский государственный технический университет

Tursunov Alisher

Candidate of Economic Sciences,

Associate Professor of the Industrial Economics Department

Tashkent State Technical University

Кариева Латофат Саидакрамовна

Тошкент давлат техника университети

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

Кариева Латофат Саидакрамовна

старший преподаватель кафедры «Экономика промышленности»

Ташкентский государственный технический университет

Karieva Latofat

Senior Lecturer of the Industrial Economics Department

Tashkent State Technical University

**ТАШҚИ САВДО СИЁСАТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА
ТАРИХИЙ ЖИҲАТЛАРИ
ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОЛИТИКИ ВНЕШНЕЙ ТОРГОВЛИ
И ЕЕ ИСТОРИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ**

THEORETICAL BASES OF POLITICS OF FOREIGN TRADE AND ITS HISTORICAL FEATURES

Аннотация. Мақолада ташқи савдо назарияларидаги протекционизм ва фритредерликнинг илмий заминлари, ташқи савдо сиёсатида либераллаштириши ва протекционализм ўртасидаги нисбатнинг тарихий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: глобаллашув, халқаро савдо, ташқи савдо сиёсати, протекционизм, фритредерлик, савдо баланси, экспорт, импорт.

Аннотация. В статье исследованы теоретические предпосылки протекционизма и фритредерства в теориях внешней торговли, исторические аспекты соотношения между либерализацией и протекционизмом во внешнеторговой политике.

Ключевые слова: глобализация, международная торговля, внешнеторговая политика, торговый баланс, протекционизм, фритредерство, экспорт, импорт.

Summary. The article deals with theoretical premises of protectionism and free trade on the bases of foreign trade, its historical aspects of correlation between liberalization and protectionism in the foreign trade politics (are analyses)

Key words: globalizations, international trade, inside trade politics, selling balance, protectionism, export, import.

Ҳозирги давр жаҳон хўжалиги билан тавсифланадиган ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини кескин байналмилаллашуви глобаллашув боқичида ривожланмоқда. Бу ҳолат ташқи савдо сиёсатини глобаллашув шароитига, миллий иқтисодиётларнинг ривожланишига таъсир этиб, давлат томонидан тартибга солиш воситаларини янги шароитларга

мослаштиришни талаб қилади, бу вазифани амалга ошириш эса тадқиқ этилаётган масаланинг назарий асослари ва тарихий жиҳатларини кўриб чиқишни тақазо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро савдо назариясига асос солган меркантилизм таълимоти икки босқични босиб ўтган, дастлабки меркантилизм унинг намоёндалари томонидан пул баланси назарияси яратилган. Савдо баланси назарияси эса кечки меркантилизм намоёндалари томонидан асослаб берилган. Ушбу давр шунингдек протекционизм даври деб ҳам аталади.

Давлатнинг протекционистик сиёсатини олиб бориши зарурлигини ҳимоя қилган иқтисодчи олимлардан бири Ф.Лист фикрича, классик иқтисодчиларнинг савдо эркинлиги хусусидаги қарашларидан фақат Англиянинг манфаатларига тўғри келган. Ўша даврда инглиз савдогарлари четдан хом ашёни сотиб олиб ўзларида саноат маҳсулотларини божлар билан чиқариб четга сотганлар. Бу эса ман этувчи тўловлар йўқлиги шароитида Германиянинг ҳали тўлиқ шаклланмаган саноатини ривожлантиришга салбий таъсир этган. Шу боис Ф.Лист манифактурани тўлиқ оёққа тургунча ва хорижий рақибларга нисбатан рақобатбардош бўлгунча протекционистик сиёсатни олиб бориш билан қўллаб қувватлаш зарур деб ҳисобланган [1].

Дж. С. Миль индустриал ривожланиш йўлига энди қадам қўйган мамлакатларда божлар жорий этилишини ҳимоя қилган. Дж.М.Кейнс мамлакатда бандлик даражасини оширишда протекционистик тадбирлардан фойдаланиш мақсадига мувофиқ эканлигини таъкидланган [2].

Протекционизмнинг назарий асосларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- меркантилизм доктринаси биринчи тугалланган халқаро савдо назарияси бўлган протекционизм ташқи иқтисодий экспансия

воситаси сифатида вужудга келиб, миллий иқтисодиётларни химоя этиш воситасига айланган;

- протекционистик сиёсат импорт божларини қўллаш натижасида савдо қилиш учун қулай шароитларни яратади, бу эса иқтисодий ўсишга (қисқа даврда) ижобий таъсир этади, мамлакатда мавжуд бўлган ресурслардан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилади, мамлакатда товарлар рақобатбардошлигини таъминлаш, бандлик даражасини оширишга ҳам ижобий таъсир этади.

Халқаро савдо назариясида мавжуд қарашлар тизими умуртқасининг, “абсолют” ва “нисбий” устунлик назарияси ташкил этади. Ундан кейинги даврдаги қарашлар ушбу назарияни бойитиб борган [5]. Улар ривожланган мамлакатлар ўртасидаги ташқи савдо муносабатларининг янги сифат босқичини таҳлил этиш ва тушунтиришга қаратилган.

Умумлаштириб олганда фритредерлик сиёсатининг олиб бориши иқтисодиётнинг ривожланишига таъсири қуйидаги ҳолатларда ўз аксини топади:

- миллий иқтисодиёт тармоқларининг халқаро даражада ихтисослашуви чегараларини кенгайтириш асосида товарларини айирбошлаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир этади, ундаги аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш;
- ташқи савдо ёрдамида илмий-техник ютуқларни мамлакатларда ёйилишига эришилади, бу эса давлатларнинг инновацион асосда иқтисодиётни ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради;
- рақобатнинг ривожланишига тегишли шарт-шароитларни яратиш ишлаб чиқариш жараёнига инновацияларнинг жорий этилишини рағбатлантиради, натижада эса маҳсулотларни турлари кўпаяди, сифати эса яхшиланади.

XIX асрдан бошлаб халқаро савдода протекционизм ва эркинлаштириш даврлари бир бирини алмаштириб келган. XIX асрнинг ўрталарида биринчи жаҳон урушигача бўлган даврда эркин савдо сиёсати ҳукмронлик қилган, 1920-1939 йилларда протекционистик тенденциялари ҳукмронлик қилган, иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдан бошлаб савдода кўпроқ эркинлик бериш йўлига ўтилди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг фан-техника инқилоби таъсирида халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва иқтисодиётни байналминаллашуви ва кейинчалик глобаллашуви натижасида халқаро савдо сиёсатида янги тенденциялар вужудга келди.

XX асрнинг 80-90 йилларида жаҳон савдосини эркинлаштириш умумий йўналишида ривожланган мамлакатлар ташқи сиёсатида протекционистик элементлар намоён бўла бошлади. Ушбу ҳолат халқаро рақобатнинг кучайиши билан боғлиқ эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ташқи савдони тартибга солишнинг шакллари ва усуллари алоҳида мамлакатларда ўхшаш, бироқ эркин савдо ёки протекционизмни устунлик қилиш шароитида улардан фойдаланиш механизмларида фарқлар мавжуд.

Шундай қилиб:

- протекционизм ва фритредерлик халқаро савдонинг зиддиятли бўлсада ўзаро боғлиқ ички хусусияти дейиш мумкин;
- тарихий жиҳатдан халқаро савдода протекционизм ва эркинлаштириш даврлари алмашиб келган. Улар бир бирига қарама-қарши умумийликка эга категориялар сифатида ўзига хос тарзда вужудга келган турли шарт шароитларда бир бирига ўтиш диалектикаси мавжуд;
- ҳозирги даврда протекционизм ва фритредерликка асосланган сиёсатни амалий жиҳатдан “соф” ҳолда олиб бориш мумкин эмас,

уларнинг ўртасида оқилона нисбатни топиш давлатнинг ташқи савдодан кўзлаган мақсадига эришиш асосидир;

- “протекционистик” сиёсат тарафдорлари мамлакатни қисқа даврдаги манфаатларидан, “эркин савдо” тарафдорлари эса мамлакатнинг узок даврдаги манфаатларидан келиб чиқишини кўрсатади.

Адабиётлар

1. Бартенев С.А. История экономической учений. – М.: Экономика, 2005. – С. 61-62.
2. Вечканов Г.С. Экономическая теория. – М.: Питер, 2009. - С. 379.
3. Смит А. Исследование о природе и причинах богатств народов / Аналогия экономической классики: В 2т. – М., 1999. - Т.1.
4. Вахабов А.Б., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва иқтисодий муносабатлар. – Т.:Молия, 2011. – Б. 297.
5. Сажин М.А., Чибрикова Г.Г. Основы экономической теории. – М., Экономика, 1995. – С. 316.